— Ижрокўм биносида!

— Катта томоша!

— Тонг откунча танса!.. Мана Эски шахар ўзбек санъатининг чопкиллаб, югуруб кетиб бориши шу йўлдадир.

Сўнг кунларда хунук-хунук, кўпол-кўпол, саводсизларча ёзилгон шундай эълонлар орасида «Халима», «Або Муслим», «Гунохкорнинг оиласи» каби жиддий нарсалар хам кўрула бошлади. Бизнинг боякиш Давлат труппаси ёлгуз Эски шахар маориф шўъбаси томонидан берилиб тургон оз-моз ёрдамга таяниб, питиллаб, кимирлаб ётконга ўхшайдир. Устига кора бўёк берилса кора «бархут» тусини олиб, пачаклангон, сингон, йиртилгон сахнамизнинг «гунохларини» ёпиб туратургон калинкурми, копми, нимадир олингон; якинда бечора томошачилар парда орасида зерикиб, ухлаб кетиш балосидан бир кадар кутулурлар, деган умид бор...

11 декабрда ўшал ўзимиз кўрган кишлик «Турон» биносида — юзинчи мартаба бўлса керак — «Халима» ўйналди.

«Халима»да ўзбек сахнаеида бирдан-бир ўзбек хаётининг энг каттиг фожиаси, энг кулги ўринлари, энг ахмокларча тўй-томошаси кўрсатилгандир.

Шунинг учун бўлса керак, асарнинг алланечанчи мартаба кўюлушига карамасдан халк тўладур, жой тегишмайдир.

Узокдан-узок кутиш, пардага кўз тикиш натижасидан нихоят парда очилди.

Бузук, йиртик-йиртик, кўпол, ранги ўчган, туллаб-кетган декаратсия.

Ўюн ўшал ўзимиз кўрган ўюн, ўйнагучилар хам ўшал ўйнаб юрганлар... Факат, бошига «Гулёр» куйи билан бир хўр ортдирилгон ва бу мартабада ўюнга Эски шахар бола богчаларининг хамма мураббиялари дегундек аралашконлар. Хўр яхши хўрдур; локин кўшуги жуда узун, бунинг устига ёд олинмагонлигини хам кўшсак, бўш ва маъносиз. Мусика бу сафар жуда эзди, бир неча куйни сахна билан баробар олиб бора олмади. Гримлар хам жуда ортик даражада сунъий эди. Шу ёд олмагонликнинг натижаси бўлса керак, кизнинг онаси совчи хотунларга: «Келинглар, эсон-омон келдингларми?» деб 80 тош йўлдан келган мехмонга айтилатургон сўзни айтадир. Сўнгра, совчилар чикиб кетаётканда, уй эгаси: «Яхши колинглар!» дейдир. Шундай бўлса хам она рўлида (1 ва 2 пардаларда) Р. Туташнинг жуда ботирлик билан дадил гапириши яхши. Бизнинг сахнамизда баъзи бир артисткаларимиз жуда сикилиб, тортиниб ўйнайдилар. Сахнада эркин бўлиш — бу энг керак нарсадир. Иккинчи пардада айтилган азон ўзи жуда жойсиз бўлиши билан баробар шу кадар тез айтилдиким, такбир хам бундан секинрок айтилгучи эди.

Иккинчи парда энг фожиалик бир пардадир. Унда шодлик билан кайгининг каршига-карши келиб колишлари жуда нозикдир. Бир тарафда ўлим, йиги; иккинчи томонда тўй-томоша. Бир томонда факирлик, йўксуллик; иккинчи томонда бойлик, исроф... Мана бу парданинг таъсирини бузгон нарса: киз томонда гап бошлангонда, йигит томонда онанинг шовкун килиб, йиглаши бўлди. Одатда сахна иккига бўлинганда, бир тараф сўз бошлагонда иккинчи томон товуш чикармаслиги керак эди. Сўнгра бу парда ўзи хам эртарак тушди.

Охирги парда бутун мураббиялар аралашкони холда жуда совук чикди; жонлилик тўй ва келин тушурди вактидаги гап, сўз, шовкун, тўпаланг, ўюн бўлмади. Бу парданинг энг кизик вактида электрикнинг ўчуб колиши, орадан карийб ярим соат ўткандан кейингина бир хира чирог ёндирилиши... бешинчи парданинг хакикий фожиаси мана шулар бўлди.

Рўлларда: Маъсума хоним, Аброр, кизнинг отаси йигитнинг отаси яхши эдилар. Бошкалари хам текис ўйнадилар.

Ўюн чогида пиражектурнинг килгон адабсизликларини айтайлик-да, «Халима» тўгрисида сўзни тўктатайлик.

Сахнамизда — «Туркистон» газетасининг 1922 йил 16 декабрь сонида «К» имзоси билан эълон килинган.

«Халима» — драматург Гулом Зафарий (1889—1944) нинг шу номли драмаси. 1920 йилда сахналаштирилган «Халима» драмаси 20-йилларда бир неча ўн марталаб ўйналган.

«Гунохкорнинг оиласи» — итальян драматурги П. Джиакометти каламига мансуб «Хоиннинг оиласи» номли асар 1921 йилда Давлат труппаси томонидан сахналаштирилгани маълум. Чамаси, бу ўринда шу асар хакида гап бормокда.